

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАББАРОВА ШОИРА БАЛТАЕВНА

**МЕДИАДИСКУРСДА МУҚОБИЛСИЗ ЛЕКСИКАНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТДА ТАДҚИҚИ
(ўзбек, инглиз ва рус матбуоти мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Джаббарова Шоира Балтаевна Медиадискурда муқобилсиз лексиканинг лингвомаданий аспекти тадкиқи (ўзбек, инглиз ва рус матбуоти мисолида).....	5
Djabbarova Shoira Baltaevna The study of the linguocultural aspect of non-equivalent lexicon in the media discourse (on the example of the Uzbek, English and Russian press).....	29
Джаббарова Шоира Балтаевна Изучение лингвокультурологического аспекта безэквивалентной лексики в медиадискурсе (на примере узбекской, английской и русской прессы).....	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ.....	57

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАББАРОВА ШОИРА БАЛТАЕВНА

**МЕДИАДИСКУРСДА МУҚОБИЛСИЗ ЛЕКСИКАНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТДА ТАДҚИҚИ
(ўзбек, инглиз ва рус матбуоти мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз-2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1224 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Термиз давлат университети веб-саҳифасининг www.tersu.uz ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тешабаева Дилфуза Мўминовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирсанов Ғайбулла Қулмуродович
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Собирова Зарнигор Рахимовна,
филология фанлари доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “28” 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz.)

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (109 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55

Диссертация автореферати 2022 йил “22” 12 да тарқатилди.
(2022 йил “22” 12 даги 19 - рақамли реестр баённомаси)



Б.Умурқулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги
Бир марталик илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори (DSc), профессор

А.Эшмунинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги
Бир марталик илмий кенгаш котиби,
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Ш.Махмараимова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Бир марталик илмий семинар раис ўринбосари,
филология фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон тилшунослигида матбуот тилини лингвомаданиятшунослик асосида тадқиқ қилишга эътибор кучайиб бормоқда. Зеро, тил ва маданият масалалари тадқиқи тиллараро ва маданиятлараро мулоқотнинг асосий қисмини ташкил этади. Мазкур мулоқот натижасида эса иккита лингвомаданий жамоанинг миллий ва маданий ўзига хослиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш, хулосалар чиқариш имконияти вужудга келади. Айниқса, матбуот саҳифаларидаги медиаматнлар юзага келишида тил эгасининг миллий-маданий омиллари асосий роль ўйнайди ва муқобилсиз лексикасининг намоён бўлишига замин яратилади.

Дунё тилшунослигида медиа тили ва услубини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар сирасида матбуот тилини лингвомаданий хусусиятлари билан боғлиқ муқобилсиз лексиканинг ўрнини аниқлаш муҳим вазифалардан бўлиб, бу барча даражадаги миллий ахборотни узатишдаги лисоний бирликларда акс этади. Публицистик асарларда муқобилсиз лексиканинг қўлланишидаги асосий сабаблардан бири матбуот матнларининг оммавий коммуникация соҳасига тааллуқлилиги ҳамда ахборий ва коммуникатив функциялардан ташқари, мафкуравий, миллий-маданий функцияларни бажариши каби омилларда кўринади. Зеро, муқобилсиз лексика маданий қадриятларнинг таркибий қисмларига тааллуқли. Шунга кўра, уларни ўрганиш ва хорижий газетхонларга муқобилсиз лексика табиати, хусусиятлари ҳақида маълумотлар бериш, уларга узатилаётган ахборотларнинг маданий мазмуни билан танишиш имконини беради.

Мамлакатимиз бугунги кунда ўз тараққиётининг янги босқичи – миллий юксалиш даврига қадам қўйди. Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹. Ўзбек тилшунослигида ўзбек тили ва унга қардош бўлмаган тилларнинг лексик қатламини лингвомаданий аспектда ўрганишга бағишланган изланишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Тилларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг миллий-маданий вазифалари миллат қадриятлари билан боғлиқ бўлиб, жумладан муқобилсиз лексика ҳамда унинг хусусиятларини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда инглиз ҳамда рус тилларида чоп этиладиган матбуот саҳифаларида ўзбек тилидаги муқобилсиз лексикани лингвомаданий аспектда чоғиштирма тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/4561730>

октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармонлари; 2022 йил 28 мартдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисида ПФ-60-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 11 мартдаги 139-сон “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиллараро муқобилсиз лексиканинг лингвистик ва лингвомаданий хусусиятлари таҳлилига бағишланган тадқиқотлардаги назарий қарашлар диссертациянинг методологик асосини ташкил этади.

Хорижий ҳамда ўзбек тилшунослигида дискурс, медиадискурс, матбуот тили борасида қатор илмий тадқиқотлар бажарилган. Р.Фаулер Т.Ван Дейк, Данута Ри, Н.Фарклау, Д.Маттенсон, М.Монтгомери, Д.Шифрин, Т.Г.Добросклонская, И.М.Шевелевский, Ш.С.Сафаров, Д.М.Тешабаева, А.Абдусаидов, Г.Х.Бакиева, М.И.Исраил, А.Х.Мирзажонов, Ё.Р.Одилов, Ш.Б.Усманова, М.Р.Артикова² ва бошқалар томонидан амалга оширилган илмий изланишлар шулар жумласидандир.

²Fowler R. Language in the News: Discourse and Ideology in the Press. – London: Routledge, 1991 – 254 p.; Teun A. Van Dijk. Elite Discourse and Racism. – USA: SAGE Publications, 1993 <https://sk.sagepub.com/books/elite-discourse-and-racism>.; Schiffrin D. Approaches to Discourse. – Oxford: Cambridge, Mass.: Basil Blackwell, 1994. – 470 p.; Reah D. The Language of Newspapers. – London: Routledge, 2002. – 126 p.; Fairclough N. Analysing Discourse: Textual Analysis for Social Research. – New York: Routledge, 2003. – 288 p.; Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол.фан. док. дис. – Самарқанд, 2005; Mattheson D. Media Discourses: Analysing Media Texts. – London: Open University Press, 2005. – 224 p.; Добросклонская Т.Г. Медиадискурс как объект лингвистики и межкультурной коммуникации // Вестник Московского университета, 2006. – № 2. – С. 20–34.; Montgomery M. Discourse of Broadcast News. A linguistic approach. – New York: Routledge, 2007. – 246 p.; Шевелевский И.М. Информационно-аналитические тексты в деловом медиадискурсе (на материале онлайн-версий Российских СМИ); Дис. ...канд.филол.наук. – Тверь, 2015. – 175 с.; Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. – Челябинск; ЧГИК, 2018. – 316 с.; Тешабаева Д.М. The Discours Analysis of Media Text // International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2018. – № 2. – P.222–226.; Shomaksudova S., Israil M. OAVda yozma matn. Nutq va munozara. – Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2018. – 180b.; Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот тили. – Тошкент, 2019. – 172б.; Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Медиамаконда матн. – Тошкент: Турон–Иқбол, 2019. – 208 б.; Тешабаева Д.М., Бакиева Г.Х., Исраил М.И., Тошмухамедова Л.И., Нуритдинова М.Ч. Журналистика. III жилд. Медиалингвистика ва таҳрир. – Тошкент, 2019. – Б. 6.; Мирзажонов А.Х. Современное понимание медиатекста в условиях конвергенции СМИ // Global science and innovations 2020: Central Asia. – Нур-Султан, 2020. – С. 96–100.; Одилов Ё. Глобаллашув даври публицистикасининг тилининг тараққиёти. – Тошкент: Нодирабегим, 2020. – 245 б.; Усманова Ш.Б. Медиадискурсада газета тили тенденциялари (ўзбек ва инглиз тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Тошкент, 2021. – 149 б.; Артикова М. Медиаматнда прецедентлик феноменининг лингвомаданий аспекти (ўзбек ва испан газеталари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ...дисс. – Тошкент, 2022. – 123б.

Лингвокультурология, муқобилсиз лексика ва таржима масалалари Л.Н.Соболева, Г.В.Чернов, Л.С.Бархударов, Г.Д.Томахина, А.Т.Хроленко, С.Влахов, С.Флорин, А.О.Иванов, Л.И.Сапогова, Ғ.Т.Саломов, И.К.Мирзаев, И.У.Асфандияров, Д.У.Хошимова, Н.Джусупов, Д.С.Худайберганова, Ш.Усмонова, Д.Р.Джуманова, Ш.Т.Махмараимова, Ш.М.Исаеваларнинг³ илмий ишларида акс этган.

Медиа тилида муқобилсизлик Н.А.Фененко, Т.А.Иванкова, Н.П.Ясиненко, М.Г.Яшина, Д.М.Тешабаева⁴ каби олимларнинг кенг қўламли тадқиқотларида таҳлилга тортилган.

Қатор тилларда муқобилсиз лексика бўйича муайян тадқиқотлар амалга оширилганлигига қарамай, ўзбек реалияларининг инглиз ва рус матбуотида берилиши ва уларнинг миллий-маданий хусусиятларидаги муштараклик ҳамда фарқли жиҳатлари лингвокультурологик аспектда тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Термиз давлат университети инглиз тили ва адабиёти кафедрасида ўрганилаётган “Тилнинг лексик-семантик тизимини чоғиштирма-типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари: диахрония ва синхрония” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган. (ИТА-12-09-2012).

Тадқиқотнинг мақсади босма медиадискурда ўзбек муқобилсиз лексикасининг инглиз ва рус тилларида воқеланиши, реалия турлари, роли,

³Соболева Л.Н. Пособие по переводу на французский. – М., 1952. – 282с.; Чернов Г.В. Вопросы перевода русской безэквивалентной лексики на английский язык: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1958. – 24 с.; Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 384 б.; Бархударов Л.С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – М.: Международные отношения, 1975. – 240 с.; Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни, на узбекский язык: Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1975. –28 с.; Томахин Г.Д. Реалии – Американизмы. – М.: Высшая школа, 1988. – 239 с.; Асфандияров И.У. Восточная лексика в русском языке. – Ташкент: Фан, 1991. – 121 с.; Хашимова Д.У. Изучение безэквивалентной лексики русского языка (на материале учебников по русскому языку и литературе для узбекской школы): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1993. – 26 с.; Хроленко А.Т. Основы лингвокультурологии. – М., 2004. – 184 с.; Иванов А.О. Безэквивалентная лексика. – СПб.: СПГУ, 2006. – 192с.; Влахов С. Непереводимое в переводе. – М.: Международные отношения, 2009. – 360 с.; Джусупов Н.М. Тюркский символ в художественном тексте (лингвокогнитивный аспект). – Астана: Сарыарка, 2011. – 218 с.; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри. ...дис. автореф. – Тошкент, 2015. – 102 б.; Усмонова Ш.Таржиманинг лингвомаданий аспекти. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2015. – 192 б.; Джуманова Д.Р. Фонологическая модель слова в условиях контактирования: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Тошкент, 2016. – 87 с.; Махмараимова Ш. М. Лингвокультурология. – Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017. – 164 б.; Исаева Ш.М. Юсуф Хос Ҳожиб асарининг инглиз ва рус тилидаги таржималарида эквивалент бўлмаган лексиканинг лингвомаданий жиҳатлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Тошкент, 2022. – Б. 59.

⁴Фененко Н.А. Язык реалий и реалии языка. – Воронеж: ВГУ, 2001. – 140 с.; Ясиненко Н.П. Русская безэквивалентная лексика в англоязычной прессе, издаваемой в России: культурологический аспект: Автореф. дисс. ... канд. культурологии. – М., 2005. – 24 с.; Яшина М.Г. Анализ и семантизация культурно-маркированной лексики: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: – М., 2009. – 22 с.; Иванкова Т.А. Национально-маркированная лексика в англоязычных газетах России // Вестник Томского государственного педагогического университета. – 2011. – № 3. – С. 113–118.; Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол.фан. д-ри... дис. – Тошкент, 2012.– 330 б.

таржимада берилишини ҳамда миллий-маданий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

медиадискурда муқобилсиз лексика борасидаги илмий-назарий қарашларнинг таҳлили ва уларнинг турларини тавсифлаш;

муқобилсиз лексиканинг манбаларини аниқлаш ва матбуотда воқеланиш хусусиятларини очиб бериш;

муқобилсиз лексиканинг воқеланишини матбуот жанри хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш ва гуруҳлаштириш;

муқобилсиз лексика таржимасини, оламнинг лисоний манзарасидаги ўрнини ўрганиш;

инглиз ва рус матбуотида ўзбек тилидаги муқобилсиз лексиканинг лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида чоп этиладиган инглиз ва рус матбуотидаги ўзбек муқобилсиз лексикаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва рус медиадискурда ўзбек муқобилсиз лексикаси воқеланишининг лингвомаданий жиҳатларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифий, чоғиштира, лингвокультурологик таҳлил, қиёсий, статистик, компонент таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек даврий журналистикаси дискурсида муқобилсиз лексиканинг инглиз ва рус матбуотида воқеланиши ахборий, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларда намоён бўлиш хусусиятлари ахборот мазмуни билан боғлиқлиги аниқланган ҳамда муқобилсиз лексика публицистик услубнинг журналистик матн яратишда муҳим элементи эканлиги асосланган;

ўзбек муқобилсиз лексикасининг инглиз ва рус тилларига нисбатан маданий компонентининг босма медиадискурда намоён бўлиши, уларнинг структур жиҳати ҳамда маҳаллий ҳаётни ёритишда реалияларнинг турлари (ономастик, → ижтимоий – сиёсий, → этнографик) ҳамда миллий-маданий кодни намоён этувчи восита эканлиги ҳамда ўзида миллий ахборий белгиларни акс эттириши далилланган;

инглиз ва рус матбуотида ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт тарзи (инглиз: 22 %, рус: 30 %), урф-одатлари (инглиз: 23 %, рус: 28 %), миллий таомлар (инглиз: 30 %, рус: 38 %), миллий предметлар (инглиз: 30 %, рус: 35%), либослар ва заргарлик буюмлари (инглиз: 29%, рус: 33 %), бино-иншоотлар (инглиз: 35 %, рус: 37%), миллий мусиқа ва рақслар (инглиз: 25%, рус: 35 %), миллий байрамлар (инглиз: 26%, рус: 30 %) ни акс эттирувчи ўзбек реалияларининг берилишида миқдор кўрсаткичи лингвомаданий таҳлил орқали аниқланган;

ўзбек муқобилсиз лексикасининг лингвокультурема сифатидаги мақоми инглиз ва рус медиаматнида борлиқни акс эттирувчи ўз лисоний

манзарасини яратиши ҳамда маданиятдаги қадриятлар тизими асосида реалиялар этнос ва тилнинг тарихий тараққиёти натижаси эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муқобилсиз лексиканинг медиаматнда воқеланиши ҳамда медиаматн таржимаси бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда тадқиқот илмий хулосаларидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йилда нашр этилган “Журналистика соҳасида 10 томлик қўлланма”нинг “Медиалингвистика ва таҳрир” номли китоби (3-жилди)да фойдаланилган;

тадқиқотга доир назарий хулосалар ушбу соҳа бўйича ташкил этиладиган ўқув фанларидан дарслик, қўлланмалар ҳамда электрон луғатларни яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин ва муқобилсиз лексика таҳлиliga оид хулосалар тилшуносликни янги илмий тушунчалар билан бойитиши, муайян халқнинг маънавияти ва маданиятини тарғиб қилиши, бир тилдан бошқа тилга реалияларни мукамал бериш учун асос бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чоғиштирилаётган тиллар объект доирасидаги этник, ментал ва маданий хусусиятларига оид муҳим илмий хулосалар ва келтирилган фикр-мулоҳазалар медиалингвистика, прагмалингвистика, семиотика, лингвомаданиятшунослик, этнолингвистика, журналистика соҳаларига оид тадқиқот муаммоларини ёритишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган назарий умумлашмалардан “Таржима назарияси ва амалиёти”, “ОАВ таржимаси”, “Медиа тили ва услуги”, “Мамлакатшунослик”, “Маданиятшунослик” каби фанларни ўқитишда, шунингдек, кўрсатилган фанлар бўйича маъруза матнлари яратиш, семинар машғулотларини ишлаб чиқиш ҳамда олиб бориш, дарслик, ўқув қўлланмаларни тайёрлашда амалий манба вазифасини ўташи билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Матбуотда дискурсив таҳлил асосида муқобилсиз лексиканинг лингвомаданий хусусиятлари таҳлили бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

медиадискурсада муқобилсиз лексиканинг ўзбек, инглиз ва рус тиллари мисолида лингвомаданий аспектда ўрганиш асосида олинган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ГОО2 рақамли “Замонавий қорақалпоқ тилидаги функционал сўз ясалиши” фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 28 мартдаги 17.01/79-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва рус матбуотида ўзбек муқобилсиз лексикасининг ифодаланиши таҳлилидан фойдаланиш асосида лойиҳанинг лисоний фактлар билан далилланиш даражаси ортган;

Ўзбек матбуотида рус ва инглиз медиаматнида муқобилсиз лексиканинг воқеланиши, реалияларнинг лингвомаданий хусусиятлари таҳлили бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йилда нашр этилган “Журналистика соҳасида 10 томлик қўлланма”нинг “Медиалингвистика ва таҳрир” номли китоби (3-жилди)да фойдаланилган (Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2022 йил 8 июндаги №6-2280-сон маълумотномаси). Натижада медиалингвистиканинг тадқиқ объектлари, медиаматнга қўйиладиган талаблар билан боғлиқ ўринлар мукамаллашган;

медиадискурсада муқобилсиз лексиканинг ўзбек, инглиз ва рус тиллари мисолида лингвомаданий аспектда ўрганишнинг ўзига хос хусусиятларини татбиқ этиш, ёш журналистлар ва таржимонларни тайёрлашда медиадискурсларнинг лингвомаданий хусусиятларини инобатга олиш мақсадида диссертациядан олинган мисоллар, илмий иш материаллари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши томонидан таржимага оид лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг 2022 йил 6 апрелдаги 04-01/10-сон маълумотномаси). Натижада ёш мутахассисларда таржимага тортилган матннинг миллий-маданий жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш кўникмалари пайдо бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11та мақола (3 та республика, 8 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 134 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Босма медиадискурсада муқобилсиз лексиканинг илмий-назарий асослари”** деб номланувчи биринчи бобида муқобилсиз

лексиканинг лингвистик таснифи ҳамда медиадискурда ифодаланиши, миллий-маданий хусусиятлари ёритилган.

Замонавий жамиятда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларни ҳамда миллий тилнинг ролини эътиборга олиш зарурдир.

Зеро, маданиятлараро мулоқотда жамиятдаги муносабатлар жараёнида тил орқали ахборотни саралаш, қайта яратиш ва узатиш воситаси сифатидаги вазифаси ўта мураккаб жараёндир. Айниқса, вербал ахборотни трансформация қилишда ўзга тил хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ахборотни менталлик ҳамда қадриятлар тизими замирида ўзига хослиги акс эттирилади.

Маълумки, тил ва маданият алоқаси, улардаги тафовутлар ҳақида фикр юритилар экан, муқобилсиз лексика тушунчасини изоҳлаш, тавсифлаш ушбу йўналишдаги муҳим ва долзарб масалалар қаторида туради. Зеро, тил ва маданият ўртасидаги алоқанинг фарқли жиҳатлари айнан муқобилсиз лексика доирасида яққол намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муқобилсиз лексика масалалари бўйича замонавий тилшуносликда фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамай, улар асосида лисоний ҳодисаларни таққослаш бўйича ечимини кутаётган масалалар талайгина.

Муқобилсиз лексика термини сўнгги йилларда жуда кенг тарқалган ва умумий қабул қилинган таърифларга эга.

Е.М.Верещагин ва В.М.Костомаровлар биринчилардан бўлиб муқобилсиз лексика терминини муомалага киритишган ва уни қуйидагича таърифлашган: “Муқобилсиз лексика – бошқа маданият ва бошқа тилда мавжуд бўлмаган тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзлар, фақат муайян маданиятга хос бўлган ва бошқа маданиятда йўқ бўлган маданий унсурларга тегишли бўлган сўзлар ҳамда бошқа тилга таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар, бир сўз билан айтганда, улар тегишли бўлган тил ташқарисида муқобилларга эга бўлмаган сўзлардир”⁵. Муқобилсиз лексика лексик маънонинг маданий компоненти сифатида тил тизимида муҳим ўринни эгаллар экан, бундай луғавий воситаларни олимлар “... мазмунини чет тилидаги бирор бир сўз билан таққослаб бўлмайдиган сўзлар”⁶ деб таърифлашади.

А.О.Иванов муқобилсиз сўзларнинг ашёвий ва лексик-семантик турлари ўртасидаги фарқларга жиддий қараш ҳам тўғри эмаслигини таъкидлайди⁷.

Ш.Усмонова таъкидлашича, “Тиллар орасидаги фарқлар, одатда, маданиятлар орасидаги фарқларга асосланади. Мазкур тафовутлар тилнинг лексик ва фразеологик қатламида кўзга ташланади, бинобарин, тилнинг номинатив бирликлари аксарият ҳолларда нолисоний омиллар билан боғланган бўлади”⁸. Мазкур тавсифга олима қуйидаги изоҳни ҳам қўшимча

⁵Верещагин Е.М., Костомаров В.М. Лингвострановедческая теория слова. – М.: Русский язык, 1980. – С.53.

⁶Верещагин Е.М., Костомаров В.М. Язык и культура. – М.: Русский язык, 1990. – С.5.

⁷Иванов А. О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура. – СПб.: Филол. фак. С.-Петербур. гос. ун-та, 2006. – С.86.

⁸Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari.– Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2015. – В.76.

килади: “Хар қандай тил ёки диалектда бошқа тилга бир сўз билан таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар мавжуд бўлади. Яъни аслият тилидаги айрим лексик бирликлар таржима тилининг лексик таркибида учрамайди, уларнинг ўхшаши бўлмайди. Бундай сўзларга муқобилсиз (лот. *aequus* – тенг, *valens* – қиймат) лексика дейилади. Муқобилсиз лексика муайян халқнинг миллий маданиятига хос ҳодисаларни акс эттиради. Бу кўпинча маҳаллий халққа хос пул, масофа-узунлик бирликлари, рўзғор ашёлари, кийим-кечак, егулик-ичкилик ва ҳ.к. тушунчаларни англатадиган сўзлардан таркиб топади”⁹. Масалан:

Ўзбек тилида: *сумалак, рубоб, тандир, палов, ҳалим, ҳашар, Наврўз, бешик, қуроқ, хуржун, кўзмунчоқ;*

инглиз тилида: *pudding, plum pudding, steak, hamburger, sandwich, highball, Halloween;*

рус тилида: *лавка, баня, сани, коромысло, самовар, гармонь, балалайка.*

Юқорида келтирилган фикрларга таянган ҳолда мазкур диссертациямизда муқобилсиз лексикага қуйидагича таъриф бердик: **муқобилсиз лексика** тилда муқобили бўлмаган тушунча, предмет, жараён, ҳолатларни билдирувчи миллий-маданий хусусиятга эга лексик бирлик ҳисобланади.

Тилшунос олимлар муқобилсиз лексикага реалияларни тенглаштиришади. **Реалия** термини лот. *realis* – ашёвий, ҳақиқий деган маънони беради ва С.И.Ожеговнинг луғатида қайд этилганидек, “реалиялар моддий маданият предмети, объектив дунё ҳодисаси, алоҳида жисм, нарса сифатида ҳам намоён бўлади”¹⁰.

А.Ҳасанов реалия ва лақунанинг энг муҳим фарқи ҳақида тўхталиб, қуйидаги фикрни келтиради: “...лақуна муайян тилда ифодаланмаган ва бошқа тилда ифодаланадиган тушунча; уни бошқа тил соҳиблари осонгина тушуна олади, англайди. Реалияни эса тушуниш ва тасаввур қилиш бир оз мушкул. Чунки у миллатнинг урф-одатлари, дунёқараши маҳсули сифатида реаллашади. Шу боис у бошқа тил ва маданият соҳиблари учун нотабиий ва ғайриоддий туюлади”¹¹.

Ўзбек тилшунос олим И.Мирзаев реалиялар мавжуд, тегишли бўлган тилнинг қонуниятларига бўйсунishi борасида фонетик, лексик ва грамматик қонуниятларини назарда тутди. Шунингдек, реалиялар учун полисемия, синонимия ва антонимия ҳодисаси характерли эмаслиги, шунга қарамай, реалияларда омонимия ҳодисаси кузатилиши ҳамда уларнинг асосий функцияларидан бири номинативлик эканлигини таъкидлайди. Олим реалия сўзларни “соф кўринишдаги термин” сифатида қарайди¹². Мазкур

⁹Usmanova Sh. Кўрсатилган асар. – В.76.

¹⁰Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. – М.: Азбуковник, 2000. – 940 с.

¹¹Ҳасанов А.М. Тиллар қиёсида лақуна. https://www.researchgate.net/publication/349251091_Tillar_kiesida_lakuna

¹²Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни, на узбекский язык: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ленинград, 1975. – С. 15.

фикрларининг исботи сифатида куйидаги ўзбек реалияларининг инглиз ва рус тилларида ифодаланишини кузатишимиз мумкин: *хужра* – *hujra* – *хужра*, *гузар* – *guzar* – *гузар*, *куроқ* – *kurok* – *курок*, *мисвоқ* – *misvok* – *мисвоқ* – *misvok*, *тиллақош* – *tillakosh* – *тиллақош*, *чакмон* – *chakmon* – *чакмон* ва ҳ.к.

Инглиз ва рус тилларида нашр қилинадиган газета, журналлар матнларида ўзбек лексикасини муқобилсизлик тарзида воқеланиши айти шу тилга хос бўлган миллий колоритни намоён қилади.

Маълумки, матбуот тили социумнинг тили ва маданиятини ўзида акс эттиради. Таъкидлаш лозимки, лингвомаданият у ёки бу лингвомаданий ҳамжамоанинг маданий маконини тил орқали ўрганиш ва тадқиқ қилишни назарда тутди. Шу билан бирга, бундай ҳодисалар миллатларнинг бевосита ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Оммавий коммуникация таъсир кўрсатишнинг эмоционал шакли билан характерланади. Д.Тешабаева ва Г.Бакиевалар медианинг тили борасида шуни алоҳида таъкидлашадики, “...лисоний ҳодисалар таҳлили тилдан ташқаридаги ҳодисалар билан биргаликда амалга оширилган ҳолатдагина тилнинг медиакоммуникация жараёнида қандай роль ўйнашини аниқ белгилаш имконияти пайдо бўлади”¹³.

Ш.Сафаров фикрича, “...дискурс ва матн ҳодисаларининг ҳар иккаласи ҳам мулоқот иштирокчиларининг онгли фаолияти туташадиган макондир. Онгли фаолият эса доимо маънавий-маданий асосга эга бўлади”¹⁴. Т.А.Ван Дейкнинг таъкидлашича эса, “Оммавий медиа матннинг тузилиши ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки журналистик фаолиятнинг ижтимоий ва профессионал амалиёти шароитида шаклланади”¹⁵.

Матбуот матнида муқобилсиз лексика иштироки жараёнида матнда миллий ва маданий ўзига хослик воқеликда намоён бўлади, зеро улар бошқа мамлакатда бўлмаган нарсалар ва тушунчаларни билдиради.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Инглиз ва рус матбуотида ўзбек реалияларининг ифодаланиш хусусиятлари**” деб номланади. Ушбу бобда инглиз ва рус матбуотида ономастик, ижтимоий-сиёсий ҳамда этнографик реалияларнинг ифодаланишидаги ўзига хосликлар таҳлилга тортилган.

Матбуот саҳифаларида ўзбек халқи тарихи ва маданияти, санъати ва адабиёти ривожига ҳисса қўшган машҳур ёзувчи ва шоирларнинг номлари билан боғлиқ маълумотларнинг берилиши антропоним реалиялар ифодасининг муҳим қисмини ташкил этади. Матн яратилишида тарихий шахслар номларининг тўлиқ кўрсатилиши ўша давр руҳини намоён қилишга ёрдам беради.

Масалан, инглиз тилида чоп этиладиган материалларда: “*Monument to two outstanding representatives of Uzbek and Tajik literature – Alisher Navoi and Abdurakhman Jami is erected in Samarkand central park named after Alisher*

¹³ Тешабаева Д., Бакиева Г. Медиалингвистика ва таҳрир. – Тошкент, 2019. – Б. 6.

¹⁴ Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧГИК, 2018. – 315 с.

¹⁵ Дейк Т.А.Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – С. 230.

Navoi”¹⁶; *The sacred land of Bukhoro has raised such great thinkers as Abu Ali ibn Sino, Narshahi, Imom Bukhoriy, Abdulholiq Gijduvoni, Bahouddin Naqshband, Ho’ja Orif Revgari and others*” (Uzbekistan today, 03.09.2010) ва ҳ.к.ларни кузатишимиз мумкин.

Албатта, бундай мисолларни рус нашрларида ҳам кузатиш мумкин: *“Мы поставили перед собой великую цель формирования фундамента нового Ренессанса в нашей стране и с этой целью должны создать среду и условия для воспитания новых Хорезми, Беруни, Ибн Сино, Улугбеков, Навои и Бабуров”*(Народное слово, 11.03.2021); *“В тематическом месячнике фильмов также будут представлены ленты о Бабуре, Огахи, Чолпоне, Гафуре Гуламе, Зульфие, Саиде Ахмаде, Мухаммаде Юсуфе, Ойбеке и других писателей”* (Народное Слово.15.12.2021).

Ахборий расмий хабарларда атоқли отларнинг реалия сифатида берилиши салмоқли ўринни эгаллайди:

инглиз тилида: *Professor of Tashkent State University of Law Omonulla Muhamedjanov participated in the III Congress of the Association in 1991 in Warsaw, Poland*¹⁷;

рус тилида: *“16 декабря 2021 года, накануне государственного визита Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в Республику Корея, в центре г. Сеула был открыт памятник великому узбекскому поэту и мыслителю Алишеру Навои”* (Народное слово, 17.12.2021).

Нутқий этикет формулаларининг мурожаат шаклларида ўзбек исмларига **-хон** ва **-жон** қўшимчаларини қўшиб қўллаш фақат русийзабон газета матнларида кузатилди: *“Мунисхон родилась в селе «Юқори Дўрман». Когда девочке было 5 лет, бабушка обучила ее письму и чтению, пробудила любовь к книгам”* (Учитель Узбекистана, 27.03.20.); *“В эту ночь моя сестра родила сына и Васил-ака назвал его Олимжон–ученый”* (Учитель Узбекистана, 19.08.2021) ва ҳ.к.

Шунингдек, рус матбуотида шахс номлари орқали **“ака” ёки “она”** мурожаат шаклини қўллаш ҳолатлари кузатилди: *“Когда я вспоминаю Васил-ака, перед моими... Я был свидетелем титанического труда Васил-ака в науке, принесшего ему заслуженную славу...”* (Учитель Узбекистана, 19.08.2021; *“Когда Юлдузой-она увидела эти халаты, она пригляделась к узору и сказала: «О, я тоже могу такой халат расшить!»* (Uzbekistan Airways.2020. №1) ва ҳ.к.

Топонимларнинг географик тамойилга кўра таснифида муайян вилоят ёки худудга мансуб номларнинг ҳар иккала тилда ҳам фарқи деярли кузатилмади:

инглиз тилида: *“The German magazine ... in Navoi. The largest such enterprises are Nanyang Red Cotton Angel Textile (China) in Andijon region”*;

¹⁶ <https://xs.uz/en/post/monument-to-two-great-poet>

¹⁷ <https://xs.uz/en/post/category/society?page=1&per-page=10>

“...in **Zangiota** district of **Tashkent** region, as well as **Bayteks Ticaret** (Turkey) in **Tashkent**...” (Uzbekistan today, 30.07.2010); “Arbitration courts already operate under our association in **Andijon, Bukhoro, Surkhondaryo, Qashqadaryo, Farg’ona, Samarqand and Tashkent** regions and in the capital” (Uzbekistan today, 30.07.2010);

рус тилида: “... продолжение съёмок на древних памятниках **Хивинской и Бухарской областей**” (Народное слово, 26.04.21); “В мероприятии приняли участие сенаторы,заместители хокимов Самаркандской области и города **Ташкента**, представители СМИ.”¹⁸; “Государственные музеи-заповедники будут созданы в **Кашкадарьинской, Сурхандарьинской**”;¹⁹ ва ҳ.к.

Топонимлар лисоний бирлик сифатида миллийлик хусусиятига кўра ўз семантикасида кўплаб миллий анъаналар, рамзлар, образлар, мифологемаларни акс эттиради. Улар тарихий-этимологик ҳамда хронологик тасниф орқали тадқиқ этилди:

инглиз тилида: “*We never feel such ... of **Go’r Amir at night***” (Uzbekistan today, 30.07.2010); “**Registan, Bibi Khonim, Ulughbek Observatory, mausoleums, burial vaults...**”; (Uzbekistan today, 30.07. 2010); “*Thus, I commented on our work on the site of ancient **Kampir-tepa***” (Uzbekistan today, 15.10.2010) ва ҳ.к.;

рус тилида: “Исследователь убежден, что могила находится с правой стороны за городскими **воротами Углан (Маъбад)**”; “... от крепости **Арк** до центрального рынка. Сохранились историческая фотография ворот **Углан** и карты, на которых указано их расположение” (Народное слово, 17.11.21); “...в Кабинет Министров концепцию по ... комплекса **Имама Мотуриди** в центр паломничества” (Народное слово, 15.12.21) ва ҳ.к.

Шунингдек, инглиз ва рус тилида чоп этиладиган газеталарда сиёсий реалиялар сифатида **Миллий тикланиш, Адолат, Олий Мажлис, Юксалиш, Ватанпарвар, маҳалла, ҳашар** каби лексемалар кузатилди:

инглиз тилида: *Milliy tiklanish, Adolat, Oliy Majlis, Yuksalish, Vatanparvar, mahalla, hashar* ва ҳ.к.;

рус тилида: *Миллий тикланиш, Адолат, Юксалиш, Ватанпарвар, маҳалла, ҳашар* ва ҳ.к.ларни келтириш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий лексикага хос бўлган давлат мукофотларининг номлари, орденолар, республика ҳамда маҳаллий фондлар, миллий ва спорт мусобақалари кабиларнинг номланиши реалия сифатида қўллангани кузатилди: “**Меҳр-шафқат ва саломатлик**” жамоат фонди; “**Маҳалла**” фонди; “**Эзгу мақсад**” халқаро хайрия жамоат фонди ва ҳ.к.

Инглиз тилида: “*The former President of the European Bank for*

¹⁸ <https://xs.uz/ru/post/uzbekistan-gotovitsya-k-provedeniyu-ocherednogo-zhenskogo-foruma-shos>

¹⁹ <https://tashkenttimes.uz/culture/1828-museums-development-program-for-2017-2027-has-been-adopted>

*Reconstruction and Development Suma Chakrabarti was awarded the Dustlik (Friendship) Order*²⁰. Мисолдан кўринадикки, *Dustlik* реалияси (*Friendship*) сифатида муқобили билан келтирилган. “*The Mehr Nuri Foundation renders material and financial aid and upholds talented youth, small, entrepreneurial, family and female business*” ва ҳ.к.

Рус тилида: “*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби...; “Орден “Фидокорона хизматлари учун...; “Орден “Дўстлик”...; “Орден “Соғлом авлод учун 1 степенни ...; “Орден “Саломатлик 1 степенни ...; “Медалъ “Соғлом турмуш ...”; “Медалъ “Келажак бунёдкори ...”; “Медалъ Шухрат ...” (uz.sputniknews.ru/20210825); колледж «Mehr-Shafqat» по направлению «сестринское дело»; Не раз принимала участие в состязании знаний «Билимлар беллашуви» по родному языку, ...1-е место по английскому языку на областном этапе. Среди учеников 10–14 лет в конкурсе «Ёш китобхон» в районном этапе заняла 1-е место ...” (Учитель Узбекистана, 13.03.20);*

Маҳалла реалиясининг инглиз ва рус матбуотида ижтимоий-сиёсий реалия қаторида берилмоқда: инглиз тилида: “*Harmony of Countryside, “Uzbek Mahalla: Lifestyle – ” (Uzbekistan today, 17.09.2010); “According to the data provided by the Mahalla fund...”. Рус тилида: “Традиционная махалля в Узбекистане” номли сарлавҳа остида чоп этилган мақолада маҳалла ҳақида батафсил маълумот бериш орқали матнда ўзбек миллий реалияларининг қўлланганини кузатиш мумкин: “Махалля (узбекский квартал) – хранительница узбекских традиций ... это целая система отношений между жителями одного квартала.... Центром махалли считается мечеть или чайхана” ва ҳ.к.*

“**Ҳашар**” сўзи рус тилига “**Субботник**” тарзида таржима қилинади. Рус википедиясида ушбу сўзга махсус таъриф берилган²¹. Инглиз тилида: “... more than 16 million people, including youths have taken part in **hashar**” ва ҳ.к.;

Рус тилида: “*В Узбекистане стало традицией накануне праздников Рамазан хайит, Курбан хайит, Навруза, Дня памяти и почестей, Дня Независимости организовывать хашар в каждой махалле с участием председателей (аксакал) и активистов махалли.*”²² ва ҳ.к.

Кўринадикки, медиада миллий характерга эга ўзбек тилидаги сўзларнинг инглиз ва рус матбуоти матнида реалия сифатида берилиши ўзбек миллатининг қиёфасини ифодалашга ёрдам беради. Ижтимоий-сиёсий реалиялар замонавий янги Ўзбекистон қиёфасини намойиш этишга кўмаклашади, чунки улар мавжуд реалияларни энг аниқ акс эттиради.

Чоғиштирилаётган тилларда этнографик реалияларнинг турар жой, диний-маъмурий иншоотлар, халқаро ёдгорликлар каби турлари кузатилди.

Диний-меъморий иншоотлар номланиши: инглиз тилида: “*The combination of Khiva’s high clay walls and the famous Madrasas of Uzbekistan, with their blue and turquoise arabesques...*”(Uzbekistan airways, 2018.№1) ва ҳ.к.

²⁰<http://tashkenttimes.uz/national/5510-former-ebird-president-suma-chakrabarti-awarded-dustlik-order>

²¹<https://gubkin.uz/ru/sveden/419/twitterLink>:

²² <http://ich.uz/ru/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-4/398-mahalla>

Рус тилида: “Ещё один интереснейший пункт экскурсии – крепость **Кирк Киз**. Построена она была в Саманидский период, IX-X века” (Учитель Узбекистана, 2019); ва ҳ.к.

Турар жой, уй қисмлари билан боғлиқ реалиялар: “**Panjara**, small semicircular or rectangular windows ... house” (Uzbekistan airways, 2019. №2); “Dwellings typically had two or four window ..**ayvan**, a covered verandah” (Uzbekistan airways, 2018.№1): “Своеобразную прелесть узбекским **айвонам** и беседкам – **шийпон** – придавали резные колонны, у которых шаровидная нижняя часть с цветами” (Учитель Узбекистана, 2018.№14)

Шунингдек, рус матбуотида инглиз матбуотидан фаркли равишда яна бир миллий байрамлар қаторига кирувчи “**Ҳосил байрами**” ва “**Ширинак**” байрамларини реалия сифатида қўллангани кузатилди: “...а в Узбекистане “**Ҳосил байрами**” или “**Ширинак**” (Учитель Узбекистана, 25.06.20). Ушбу байрам билан боғлиқ реалиялар: “Принес вам посылку от **Дехкан-бобо...**” (Учитель Узбекистана, 25.06.20). Миллий ва диний байрамлар: “The Embassy of Uzbekistan to the UK is celebrating **Navruz** on 27th March and I have been asked to give a talk at the reception about my unique business” ва ҳ.к. Рус тилида: “Само слово “**Навруз**” означает “новый день”. А новый день у года — это, конечно же, весна, время пробуждения, обновления природы” (Учитель Узбекистана, 11.03.21) ва ҳ.к.

Ўзбек лингвомаданиятида миллий кийим-кечаклар моддий ва маънавий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттирувчи ва этник белгилар воситаси сифатида келади. Дарҳақиқат, миллий кийим-кечакларда ўзбекона урф-одатлар, диний эътиқод, нафосат, яшаган макон ҳамда замон, хўжалик мавсумлари, ҳаётдаги қувонч ёки қайғули воқеалар акс этади. Албатта, инглиз ва рус матбуот саҳифаларида ўзбек миллий либослари ҳамда кийим-кечаклари номларининг қуйидаги турларини учратиш мумкин: инглиз тилида: *gilam duppi, qalpoq, duppi, iroqi, qalampir, kavush* ва ҳ.к. “The **Shahrisabz** carpet skullcap “**gilam do’ppi**” differs in special circular shape, multicolor and decorative compositional construction of ornamental design. Artistic decoration of skullcaps of **Urgut, Boysum and Khorazm** are of special interest as well” (Uzbekistan today, 03.12.2010.).

Рус тилида: чапан, дуппи, куйлак, яктак, ковуш ва ҳ. к.: “Названия многих тюбетеек соответствуют украшающим их узорам: **чоргул, бодомча, атиргул, капалак, товус, окпар, пахта, садбарг, гулибарг, гулихафтбарг, гулбодом, гулигунча, мажнунтол, кыркаяк, курбака нуха, бахор, Навруз**²³.”

Шакли, ранглари, гуллари ва матолари билан ажралиб турувчи, бир-бирини такрорламайдиган ушбу миллий либосларни умумий нафислик, шарқона жозибадорлик ва ёрқин ранглар бирлаштириб туради. Бу эса матбуот матнида ушбу миллий матога тааллуқли тушунчаларнинг реалия сўз сифатида келиши кузатилди: Инглиз тилида: “Traditionally, textile, embroidery

²³ <https://xs.uz/ru/post/ocharovanie-lazgi-na-stsene-gabt-imeni-alishera-navo>

and national clothes dominate ... is also extensively represented in the exhibition, as well as two new type of art – products from thick felt and **karakul**” (Uzbekistan today, 19.11.2010.); “In the evening the internal part of mirror azure waves is illuminated by **adras** (Uzbek semi-silk fabric) patterns giving the construction special effect of color play” (Uzbekistan today, 17.09.2010.) ва ҳ.к. Рус тилида: “Рисунок на **атласе** может быть узорчатым, а такой особенный узор как «ляли-гули доначанок» применялся для пошива женских рубашек и одеял”; “Название «хан-атлас» означает «ханский» или «королевский шёлк», ...женщины из ханского рода”²⁴. “**Адрас** – полушёлковая ткань ... 50% хлопка”; “Ткань имеет свой гисарский, абровский орнамент с рисунком «**доирагул, кузагул**» – кувшинчик”²⁵;”. ва ҳ.к.

Ўзбек каштачилик санъатида ҳам ўзига хос миллий-маданий семага эга термин-реалиялар кўлланади (*палак, сўзана, чойшаб, гулкўрна, кирпеч, дорпеч, зардевор* кабилар). Улар кийимлар (*кўйлак, дўппи, нимча, пешонабанд, камар* кабилар) ва безакларни номлаш вазифасини бажаради.

Инглиз тилида: “**Torba and khurjun** (saddlebag) were also widely used. Various kinds of **khalta** – smaller bags for different household items – are also worth mentioning: **ishlik-khalta** (a bag for household stuff); **koshik-khalta** (a bag for spoons); **tuz-khalta** (a bag for salt); **pul-khalta** (a purse); **oyna-khalta** (a bag for the mirror) ...” (Uzbekistan airways, 2019. №2) ва ҳ.к. Рус тилида: В Ташкенте, одном из крупнейших центров вышивки существовало два вида крупных декоративных вышивок, аналогичных **сюзана** других регионов, это – “**гулкўрна**” и “**ой палак**”... . (Moziydan Sado,01.04.2018).

Хунармандчилик оид реалиялар: “В ней описано все: от способов изготовления минеральных и природных красителей до сложных техник изготовления и оформления глиняных изделий: техники “**чизма**”, “**калям**”, мотивы росписей “**бодом**”, “**чойнак**”, “**пичок**”, “**барак**”, “**кушлар**” и другие”. (Учитель Узбекистана, 21.10.2021.)

Миллий ва анъанавий чолғу асбобларини билдирувчи ўзбек сўз вокеликларига қуйидагилар киради: **доира, рубоб, тор, дотор, чилдирма, гижжак, най, карнай, сурнай, ногора, чанг** ва ҳ.к. Ушбу лексемалар реалия сифатида ҳар иккала матбуот тилида кўлланиши кузатилди. Инглиз тилида: “Traditional Uzbek trumpets, **karnais and surnais**, added an inimitable ethnic flavor to the marathon”. (Uzbekistan Airways,2019.№2); When I was a child, every household had a **dombra**, even if the head of the family could not play the instrument. (Uzbekistan Airways,2019.№1) ва ҳ.к. Рус тилида: “Разнообразны по своим видам узбекские музыкальные инструменты. Это **дутар, танбур, чанг, най, карнай, сурнай, конун, уд, гиджак, рубаб, домбра, сато** и различные их виды” (Moziydan Sado.01.04.2018) ва ҳ.к.

Шунингдек, муқаддас Рамазон ойи ёки диний маросимларни ўтказишда ҳам миллий таомлардан фойдаланилади, газеталарда ушбу маросимлар ҳақида маълумот берилганда, уларнинг номи реалия сифатида берилади:

²⁴ <https://www.uzdaily.uz/ru/post/52561>

²⁵ <https://uzbekistan.travel/ru/o/atlas-i-adras-buhary/>

“During Ramadan, ...called **nisholda**. Its recipe has remained unchanged, and is completely hand-made»; “... at a table laden ...plates with **parvarda, halvah and navvat**” (Uzbekistan airways, 2020.№1). Рус тилида: “**Халваймар** обычно готовится, ...от чизкейка” (Uzbekistan airways, 2019.№2). Мазкур лексемаларнинг реалія сифатида берилиши ушбу маҳсулотларнинг фақат ўзбек миллий таомларига тегишлилиги билан белгиланади.

Ўзбек реаліясини сифатида миллий таомларнинг номлари соф миллий эканлиги ва ҳар бир халқ ошхона буюмлари ва аксессуарлари, идишларнинг номлари, уларнинг тайёрлаш усуллари билдирувчи ўзига хос сўзлари борлиги билан изоҳланади: *пиала, дастархан, тандир* ва ҳ.к. Масалан, инглиз тилида: “...Having awakened early in the morning, you can go together with locals to the field, fishing, then to attend master class on baking the Khorazm flat cake in **tandir** (clay oven)” (Uzbekistan airways, 2018. №3) ва ҳ.к.


Рус тилида: “Не удивляйтесь, если до того как подать вам чай, хозяин трижды нальёт напиток в свою **пиалу** и трижды вернёт его в **чайник**, прежде чем передать чашу вам. Процедура «**qaytarish**» делается для того, чтобы **чай** настоялся и его листья дали весь аромат и вкус” (Uzbekistan airways, 2018. №2) ва ҳ.к.

Ўзбекистонда инсонлар, яқин биродарлар ва қариндошлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатнинг кучайишига алоҳида аҳамиятга молик ҳодиса сифатида қаралади. Масалан, “ўзбек дастурхони” деган тушунча ўзбек меҳмондўстлигининг рамзи сифатида қаралади. Айнан шу ҳолат тадқиқ қилинаётган тиллар матбуотида тез-тез қўлланилади: Инглиз тилида “**Uzbek dastarkhan** (festive table) know that desserts are served her before main courses” (Uzbekistan airways, 2019.№1) ва ҳ.к.

“Узбекский дастархан” номли сарлавҳа остида чоп этилган мақолалар ҳам ушбу ўзбек миллий анъанаси намуналарини кўришимиз мумкин. Бунда нафақат *дастурхон* лексемасини реалія сифатида мақоми белгиланган, балки ўзбек удумлари тарғиб қилинган ва газетхонга етказилган: “На востоке дастархан всегда почитали как нечто дорогое, священное, рассматривали как символ изобилия. Этикет поведения за **дастарханом**, правила принятия пищи существуют у нашего народа издревле. ...любопытно отметить, что благословения, читающиеся за **дастарханом**, произносятся на узбекском языке”²⁶.

Тадқиқот давомида инглиз ҳамда рус тилларида чоп этиладиган матбуот саҳифаларида қўлланилишига кўра гуруҳларга оид муқобилсиз лексика сони аниқланди. Тақдим этилган диаграммадан хулоса қилишимиз мумкинки, ўзбек тилидаги муқобилсиз лексиканинг энг фаол қўлланиш соҳаси “Этногафик реаліярлар” бўлиб, уларнинг сони 136 бирлик, 60 фоизни ташкил этади (1.1- расмга қаранг):

²⁶ https://novotours.uz/ru/about-uzbekistan/traditsii-i-festivali/traditsii/uzbek_dastarkhan.html/



